


ЎЗБЕКИСТОН ГЕОГРАФИЯ ЖАМИЯТИ

АХБОРОТИ

54-ЖИЛД



**ЎЗБЕКИСТОН
ГЕОГРАФИЯ ЖАМИЯТИ
АХБОРОТИ**

54 – жилд

*** * ***

**ИЗВЕСТИЯ
ГЕОГРАФИЧЕСКОГО
ОБЩЕСТВА УЗБЕКИСТАНА**

54 – том

Тошкент-2018

ТОПОНИМИКА ВА ГЕОГРАФИЯ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ ТОПОНИМИКА И МЕТОДИКА ПРЕПОДАВАНИЯ ГЕОГРАФИИ

Ҳакимов Қ.М.*

БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ ТАВСИЯЛАРИ ВА ГЕОГРАФИК НОМЛАРНИ СТАНДАРТЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ

Аннотация: мақола БМТ нинг географик номларни стандартлаштириш бўйича, қабул қилинган тавсияларининг таҳлили ва республикада уларни қўллаш имкониятларини ўрганишга бағишланган.

Калит сўзлар: географик ном, стандартлаштириш, расмий ном, номнинг миллий шакли, номнинг қатъийлаштирилган шакли.

Рекомендации Организации Объединённых Наций и проблемы стандартизации географических названий

Аннотация: Статья посвящена рекомендациям ООН по стандартизации географических названий и к проблемам их применению в Республике Узбекистан.

Ключевые слова: географическая названия, стандартизация, официальное названия, национальный вид названия, стандартизированные названия.

The recommendations of United Nations Organization and problems of the standardisation of geographic names

Abstract: The article about UNO's standardisation of geographic names, analysis of accepted recommendation and in republic them utilization possibilities devote to habit.

Key words: geographic name, standardization, official name, nation shape of names, absolutely shape of names.

Қириш. БМТ шафеълигида ўтказиладиган географик номларни стандартлаштириш бўйича халқаро конференциялар ва БМТ қошида ташкил этилган Экспертлар гуруҳининг асосий вазифаси мазкур муаммога оид миллий дастурларни ишлаб чиқиш ва халқаро миқёсда стандартлаштирилган миллий географик номлардан кенг фойдаланишга кўмаклашишдан иборат.

Ишнинг мақсади ва вазифаси: БМТ нинг Экспертлар гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган тавсиялар асосида, географик номларни экспертизадан ўтказиш ва стандартлаштириш билан шуғулланадиган давлатнинг махсус ташкилоти фаолиятини такомиллаштириш, географик номларнинг қатъийлаштирилган миллий шаклининг ягона электрон базасини яратиш, мамлакат ичида расман тан олинган миллий номлардан халқаро муносабатларда кенг фойдаланиш зарурлигини асослашдан иборат.

Асосий қисм: Давлат ҳокимияти ва фуқароларни ўз-ўзини бошқариш органларида, алоқа, транспорт, статистика, оммавий ахборот воситаларида, географик карталар ва атласларда, шуниндек иктисодиёт, фан, маданият, спорт, жамоат бирлашмаларида, юридик ва жисмоний шахслар томонидан географик ном қатъиян бир шаклда ёзилишига эришиш давлатнинг суверенлигини кўрсатувчи далиллардан биридир.

Бошқача айтганда, ҳар бир географик объект номининг расмий ва умумистеъмолда бир хилда ёзилишини қатъийлаштириш, қонунлаштириш топонимларни стандартлаш дейилади. Агар бундай вазифа биргина давлатнинг манфаатларини кўзлаб бир тил воситасида амалга ошириладиган бўлса, бу географик номларни миллий стандартлаш деб юритилади. Бу иш халқаро алоқалар тобора авж олаётган ҳозирги даврда бир неча давлатларнинг муштарак манфаатларини кўзлаб амалга оширилса, унда географик номларни халқаро миқёсда стандартлаш лозим бўлади. Халқаро стандартлаш эса доимо миллий стандартларга асосланиши керак.

Ҳозирги вақтда географик номларни миллий стандартлаш бир қатор ривожланган ва ривожланаётган давлатларда амалга оширилмоқда. Топонимларни стандартлаштириш

* Ҳакимов Қўчқор Махкамович - ЖДПИ География ўқитиш методикаси кафедраси профессори в.б., г.ф.н. E-mail: hakimov_54@mail.ru

муаммолари нафақат миллий, балки халқаро илмий ва ҳукуматлараро ташкилотларнинг ҳам диққат эътиборини тобора кўпроқ ўзига жалб қилмоқда. Халқаро ономастика фанлари кўмитаси (IGOS), Халқаро фонетика ассоциацияси (IPA), Антарктикани ўрганиш илмий кўмитаси (SGAP), Жаҳон почтаси уюшмаси (UPI), Халқаро стандартлаш ташкилоти (ISO) шулар жумласидандир.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) географик номларни стандартлаш муаммоларига катта аҳамият бермоқда. БМТ ҳузуридаги Экспертлар гуруҳининг фаолияти ҳамда БМТ шафёлигида ушбу муаммога бағишланган ўндан ортиқ халқаро илмий конференцияларни ўтказилиши бунга яққол далилдир.

БМТ нинг географик номлар бўйича Экспертлар гуруҳи (UNEGN) томонидан ишлаб чиқилган тавсияларга кўра, картографик маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган барча корхоналар топонимик маълумотлар базасини яратишда, турли хил атлас ва хариталар ишлаб чиқаришда, стандартлаштирилган географик номлар рўйхатини тузишда ҳамда ушбу соҳага тегишли бўлган бошқа ахборотлашган маълумотларни тайёрлашда қуйидаги умумий принципларга амал қилишлари керак:

❖ рўйхатга олинadиган географик объектнинг номи расмий ва архив маълумотлар билан тасдиқланган бўлиши лозим;

❖ географик номлар давлатнинг масъул ташкилоти томонидан стандартлаштирилган бўлиши керак;

❖ географик объектга фақат битта географик ном берилиши мумкин;

❖ латин алифбосидан фойдаланмайдиган давлатлар, БМТ томонидан тасдиқланган ва халқаро миқёсда қўллашга тавсия қилинган транслитерация усули ёрдамида географик номларни стандартлаштирилган ва халқаро миқёсда фойдаланишга мўлжалланган ягона шаклини латин алифбосида яратилиши керак;

❖ географик номларни ёзилиши ва тўғри талаффузи лисоний (лингвистик) қоидаларга асосланган бўлиши лозим.

Юқоридаги талаблардан кўринадики, географик номларни стандартлаштириш муаммоси эндиликда давлатни ички масаласи бўлиб қолмай, балки, халқаро аҳамият касб этмоқда. Бинобарин, мамлакатлар ўртасида тузиладиган шартнома ва битимларда, давлат чегараларни демаркация ва делимитация қилишда, халқаро юкларни ташишда, почта ва телеграф орқали халқаро ахборотларни алмашишда ва бошқа картографик маълумотлар тўплашда мамлакат ичкарисида расман тан олинган географик номларнинг миллий шаклини халқаро миқёсда тўғри қўллашни таъминлаш керак бўлади.

Географик номларнинг қўллаш учун мажбурий бўлган шаклини аниқлаш ва белгилаш ҳар бир давлатнинг ички иши. Ана шу муҳим вазифани амалга оширишда номнинг миллий шакли асос вазифасини бажариши керак. Бунинг маъноси шуки, мамлакат ичкарисида расмий тан олинган номларгина халқаро миқёсда қўллаш учун тавсия этилади. Бунинг учун, давлат органлари томонидан географик номларни стандартлаш ва уларни бошқа мамлакатлар ҳудудида қўллашни тартибга соладиган аниқ ҳуқуқий база яратилиши керак бўлади.

Шуни ҳам эътироф этиш керакки, айрим давлатлар номининг ҳозирги анъанавий шакли мавжуд тартиб-қоидаларга тўла мос келмайди. Бундай давлатлар номи мустақил тарихида анъанавий шакли қандай бўлса шундай ёзилади. Масалан, “Нишпон” - Япония, “Чин” - Хитой, “Эстеррайх” - Австрия, Норве - “Норвегия” ва бошқалар. Чунки, уларнинг номи ҳозирги ўзбек тилига рус тили орқали ўзлашган ва русча шакли асос сифатида қабул қилинган.

Ўзбекистонда номларни қўллаш учун мажбурий бўлган ягона шаклини аниқлаш, тасдиқлаш ва амалга жорий қилиш ниҳоят муҳим масала. Чунки узок вақт қарам бўлиб келган Ўзбекистонда барча географик объектларнинг номлари метрополиядан келтирилган мутахассислар томонидан топографик карталарга киритилган. Фақат, сўнгги йилларда

халқнинг миллий топонимик маданиятини ўзгарди ва географик номларни миллийлаштириш, уларнинг миллий талаффуз ва ёзилиш шаклларини тиклаш ишлари бошланди.

Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ергеодезкадастр» давлат кўмитаси қошидаги Геодезия ва картография миллий марказининг профессор Суюн Қораев бошчилигидаги топонимика лабораторияси биринчи бўлиб, бу хайрли ишни берди. Дастлаб, республикадаги географик объектларнинг қатъийлаштирилган номлар лугатини яратиш устида иш олиб борилди. Натижада, кейинги йилларда 1:1000000, 1:500000 ва 1:200000 масштабдаги топографик карталарда учрайдиган барча географик номларга карточкалар очилди. Ҳар бир географик объектнинг ўрни, тури, номининг давлат тилидаги шакли, кирилл ва лотин алифбосидаги ёзуви аниқланиб, ягона электрон базага киритилди.

Бу албатта, давлат ҳокимияти органлари ва картографик корхоналарнинг йирик географик объектлар номларининг стандартлаштирилган шаклига бўлган эҳтиёжини қондириш имконини беради. Яқин йилларда 1:100000 ва 1:50000 масштабдаги топографик карталардаги географик объектлар номларини ягона электрон базасини яратиш назарда тутилган. Бу хайрли ишлар шу йўсинда давом этса, географик номларнинг автоматлаштирилган давлат каталоги пайдо бўлади.

Маълумки, 2011 йилда «Географик объектларнинг номлари тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди. Мазкур Қонуннинг асосий талабларидан бири географик объектларнинг номларини стандартлаштириш, уларнинг давлат реестрини юритиш, барча географик номларни давлат экспертизасидан ўтказиш каби бир қатор ишларни амалга оширишдан иборат.

Таъкидлаш жоизки, географик номларнинг ёзилиш шаклларини стандартлаштириш, яъни карта, атлас, расмий ҳужжатлар, илмий асарлар, дарсликлар, матбуот органларида бир хилда ёзилишини таъминлаш, республика тарихида илк бор амалга оширилаётганлиги сабабли, ўта қийин ва масъулиятли вазифа ҳисобланади. Бу ишнинг қийинлиги шундаки, неча минглаб географик номлар таркибида учрайдиган географик терминлар, ўсимлик ва ҳайвонлар, этник бирликлар ва кишилар номлари турли минтақаларда, турлича фонетик, семантик шаклларда муҳрланиб қолган.

Эътиборли томони шуки, географик номларни стандартлаштиришда географик объектнинг ўрни, тури, номнинг семантикаси, этмологияси каби маълумотлар йиғилади. Барча маълумотлар, автоматлаштирилган маълумотлар базасига киритилади ва ҳар бир ном рақамланиб ҳисобга олинади. Мураккаб ва масъулиятли бўлган бу ишга соҳадан мукамал хабардор бўлган мутахассислар жалб қилинса мақсадга мувофиқ бўлади.

Яна бир масалага эътибор қаратиш зарур деб ҳисоблаймиз. Қонунда географик объектлар номларини давлат реестрини тузиш назарда тутилган. Давлат реестри деганда, - географик номларни давлат рўйхатидан ўтказиш мақсадида юритиладиган ва уларга таалукли бўлган барча маълумотларни тизимлаштирилган ва автоматлаштирилган тўплами (базаси)ни яратиш назарда тутилган.

Хорижий мамлакатлар билан сиёсий, иқтисодий, илмий, маданий, туристик алоқалар ривожланаётган ҳозирги даврда, географик номларнинг миллий шаклини ўзбек тилида, лотин алифбосида чоп этиш шарт. Сабаби, юқорида қайд қилингандек, географик номларнинг миллий шакли уларни стандартлаштириш учун асос бўлиб хизмат қилади. Энг муҳими, географик номларни стандартлаштиришда ўзбек адабий тили меъёрларига қатъий амал қилиш зарур, айрим истиснолар эса ҳамма тилларда ва барча лексик қатламларда учрайди.

Хулоса:

- географик номларнинг маҳаллий шаклини расмий ном сифатида тан олиш ва уларни ўзбек адабий тилининг ҳозирги талабларига қатъий амал қилган қилган ҳолда стандартлаштириш керак;

- давлат ҳокимияти органлари ва картографик корхоналарнинг стандартлаштирилган географик номларга бўлган эҳтиёжини қондириш учун, географик номларнинг автоматлаштирилган давлат каталогини яратиш ишларини ниҳоясига етказиш зарур;

- мамлакат ичкарида расман тан олинган ва миллий шакли катъий белгиланган номлардан халқаро миқёсда фойдаланиш мумкин;

- хорижий давлатлар билан халқаро алоқалар тобора авж олаётган ҳозирги даврда, географик номларнинг стандартлаштирилган миллий шаклини лотин алифбосида, ўзбек ва инглиз тилларида чоп этиш керак;

- географик номларни стандартлаштириш жараёнида республика топонимиясининг ўзига хос хусусиятлари ва унинг ноёб миллий этномаданий ландшафтига путур етказмаслик шарт.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Қораев С. Топонимика. Т.; "Ўзбекистон файласуфлар жамияти" нашриёти. 2006.
2. Ҳакимов Қ.М. Топонимика. Т.; "Мумтоз сўз". 2016.
3. Kerfoot Helen. Role of the United Nations in the standardization of geographical names. Utreht. Netherlands. 2002.
4. <http://unstats.un.org/unsd/geoinfo>.

Авезов М.М., Миракмалов М.Т.*

АРИД ИҚЛИМЛИ ХУДУДЛАР ОРОНИМЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА ТАБИЙ ГЕОГРАФИК ТЕРМИНЛАРИНИНГ РОЛИ (БУХОРО ВИЛОЯТИ ОРОНИМЛАРИ МИСОЛИДА)

Аннотация: мақолада арид иқлимли ҳудудлар оронимларининг шаклланишида табиий географик терминларнинг роли Бухоро вилояти мисолида очиқ беришга ҳаракат қилинган. Вилоят оронимлари таркибидаги ҳар бир топонимнинг улуши аниқланган.

Калит сўзлар: арид иқлимли ҳудуд, оронимлар, географик ўринга боғлиқ номлар, объектнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ номлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси билан боғлиқ номлар, топонимлар.

Роль физико-географических терминов в формировании оронимии аридных территорий (на примере оронимов Бухарской области)

Аннотация: в статье рассматривается роль физико-географических терминов в формировании оронимов аридной зоны на примере Бухарской области. Определён удельный вес разных топонимов в структуре оронимии области.

Ключевые слова: аридный климат, оронимы, географические названия, связанные с географическим положением, особенностями, связанные с растением и животным миром, топонимы.

The role of natural-geographical terms in the formation of the oronymy of arid areas (in example of oronyms of Bukhara region)

Abstract: This article touches on role of the physiographic toponyms in shaping oronyms of arid zones, on the example of Bukhara region. Also as part of the share toponyms of oronyms of the region.

Key words: arid climate, oronyms, place names, associated with geographic location, osebennno associated with the plant and animal world, toponymy.

Кириш. Географик жой номлари орасида оронимлар салмокли ўринни эгаллайди. Ороним сўзи юнонча «oros» – тоғ, «опома» – исм, ном сўзларидан олинган. Топонимикада оронимлар деганда, барча рельеф шакллариининг номлари тушунилади.

*Авезов М.М. – ЎзМУ География ва табиий ресурслар факультети табиий география кафедраси магистранти.

Миракмалов М.Т. – ЎзМУ География ва табиий ресурслар факультети табиий география кафедраси доценти, г.ф.н.

экологической панорамы мира	117
Савчук И.Г. Значение Узбекистана в экспорте Украины	123
<u>ТОПОНИМИКА ВА ГЕОГРАФИЯ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ</u>	
<u>ТОПОНИМИКА И МЕТОДИКА ПРЕПОДАВАНИЯ ГЕОГРАФИИ</u>	
Ҳакимов Қ.М. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тавсиялари ва географик номларни стандартлаштириш муаммолари	127
Авезов М.М., Миракмалов М.Т. Арид иклими худудлар оронимларининг шаклланишида табиий географик терминларнинг роли (Бухоро вилояти оронимлари мисолида)	130
<u>ГИДРОЛОГИЯ, МЕТЕОРОЛОГИЯ ВА ИКЛИМШУНОСЛИК</u>	
<u>ГИДРОЛОГИЯ, МЕТЕОРОЛОГИЯ И КЛИМАТОЛОГИЯ</u>	
Арушанов М.Л. К вопросу о влиянии гравитационного взаимодействия объектов Солнечной системы на циклы солнечной активности	135
Царёв Б.К., Эшмуратов Д.К. Динамика относительной влажности воздуха и атмосферного давления по данным МС Ташкент	144
Эгамбердиев Х.Т., Петров Ю.В. Интегральные характеристики прозрачности атмосферы	149
Хожамуратова Р.Т., Чембарисов Э.И. Некоторые аспекты формирования стока реки Амударьи	154
Эгамбердиев Х.Т. Статистические характеристики прозрачности атмосферы в Узбекистане	158
Сагдеев Н.З., Азимходжаева Н., Артыкова Ф.Я. Изменения средних многолетних расходов воды на реках бассейна Кашкадарьи за период наблюдений	162
Абдуллаев А.К., Бабушкин О.Л., Нишонов Б.Э., Ахмедова Т.А., Лев Н.И., Рузиева М.Б., Сулаймонова Н.Н. Агрометеорологическое обслуживание сельского хозяйства в Узбекистане и его перспективы	166
Хикматов Б.Ф., Дергачёва И.В. Гидрометеорологические условия, приводящие к чрезвычайным ситуациям на высокогорных прорывоопасных озёрах	173
Юнусов Ф.Х., Жумаев И., Қодирова Г. Суғориш каналларида дарё сувининг йўқотилишини микродорий баҳолаш	178
Саидмахмудова Л.А., Нишонов Б.Э. Туябўғиз сув омбори сувининг замонавий гидрокимёвий ўзгаришлари	181
Абдиева М.Ш., Нишонов Б.Э. Зарафшон дарёси хавзасининг гидрокимёвий ўрганилганлиги	186
Петров Ю.В., Эгамбердиев Х.Т. Географическое распределение ясных дней и продолжительности солнечного сияния в Узбекистане	190
<u>ГЕОДЕЗИЯ, КАРТОГРАФИЯ ВА ГЕОИНФОРМАТИКА</u>	
<u>ГЕОДЕЗИЯ, КАРТОГРАФИЯ И ГЕОИНФОРМАТИКА</u>	
Курбанов Б.Т. Оценка почвенно-экологических условий и процессов опустынивания с применением ГИС-технологий	194
Курбанов Б.Т. Комплексная оценка и районирование природных условий Узбекистана с позиций благоприятности для сельского хозяйства на базе ГИС-технологий	201
Бабажанов А.Р., Сулейманова М.Х., Абдиваитов Х.А. Қишлоқ хўжалиги срларининг кадастрли қийматини аниқлаш услубларини ГАТ технологиялари асосида такомиллаштириш	210
Қорабоев Ж.С. Кадастр карталарининг асосий турлари ва гуруҳлари	213